

«ТАСДИҚЛАНДИ»



Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси учун мебель жихозларини етказиб ва ўрнатиб бериш ишларини амалга ошириш.

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

**Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси**

2022 йил

## **БАРЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!!!**

### **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

---

Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси учун мебель жихозларини етказиб ва ўрнатиб бериш ишларини амалга ошириш.

**110 000 000 сўм (ҚҚС билан)**

**Ишларни тугаллаш муддати-** 30 календарь кун.

**Буюртмачи:** Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси

**Тел:** +998 99 452 50 00

**Молиялаштириш манбаси:** Бюджет маблағлари ҳисобидан.

- 1)Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, ва мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага,молиявий имкониятларга шарт- нома тузиш юзасидан фуқоролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлиши шарт.
- 2)Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлари танлашда қатнашганда, таклифларни баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлар ҳисобга олинади.
- 3)Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар иш хизматлари қўшилган қиймат солиги суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайтидан олишлари мумкин.
- 4)Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлашлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- 5)Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

## **ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

**Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси учун мебель жихозларини етказиб ва ўрнатиб бериш ишларини амалга ошириш.**

Танлашда иштирок этишда танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект буйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

**Бажариладиган иш номи:** Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси учун мебель жихозларини етказиб ва ўрнатиб бериш ишларини амалга ошириш.

**Хизмат кўрсатиш бошланғич нархи 110 000 000 сўм (ҚҚС билан)**

**Ишларни тугаллаш муддати- 30 календарь кун.**

**Буюртмачи:** : Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси

**Молиялаштириш манбаси:** Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожат билан маҳаллий ташкиортлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади. фуқоролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати.

Доимий ходимлари, жумладан муҳандис -техник ходимларига эга бўлиши.

Ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизация, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги.

Тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган).

Танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги.

Бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар хажми ҳақидаги маълумотномаларни тақдим этиш.

Устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фалият қонунҳужжатларига мувофиқ лицензиялари зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгилан тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлаш иштирокчиларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар.

Мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муссислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Хар бир бажариладиган иш бўйича ишлаб чиқариш воситаларини, ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Хар бир бажариладиган иш бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сони тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йуриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танлаш чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг бажариладиган иш хизматларни рўйхатини, такдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайтидан олишлари мумкин.

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчиларнинг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажимлари ҳамда бошқа шартларга нисбатдан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 2(икки) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахбарот портали орқали кўриб чиқилади.